# ХАБАР

HABAR

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1995 йил, 20 октябрь № 42 (167) ● Сотувда нархи эркин


## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Республика Алоқа вазирлигининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Алоқа вазири Т.Ғ.Раҳимов олиб борди. Унда алоқа тармоқлари фаолиятини келгусида тараққий эттириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи К.Р.Усмонов 2005 йилгача радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидениенинг техник воситаларини ривожлантириш ва тараққий эттириш юзасидан концептуал дастур низоми бўйича сўзга чиқди. Маърузачи республикадаги радио-телевизион техник тармоқлар аҳволи хусусида маълумот берди. Жумладан, дастурларни узатиш учун бир нечта станцияда 3700 километрлик радиорелели линиядан фойдаланилади. Бир неча ўнта қабул қилувчи фазовий станциялар ишлаб турибди. Шулар туфайли ҳозирги кунда республика аҳолисининг 98,4 фоизи телевидениенинг иккита, 67,2 фоизи учта, 17,8 фоизи эса тўртта дастуридан баҳраманд бўлмоқда. Радио ва телевидение узатгичлари эскирган. Корхонанинг молиявий аҳволи туфайли 1994 йилдан бошлаб телевидениеда иш ҳажми қисқариб бормоқда. Ноёб эҳтиёт қисмлар тақчил. Тошкент, Қўнғирот, Навоий, Бухоро, Қўқон, Гулистонда узатгичлар қайта таъмирлашга муҳтож. Бу муаммоларни зудлик билан ҳал этиш лозим.

Юқоридаги масалалар қизғин муҳокама қилинди. Ҳайъат ушбу масала билан шуғулланувчи комиссияга бир ой муддат ичида билдирилган таклифларни қайтадан ўрганиб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этиш вазифасини топширди.

Ҳайъат аъзоси, «Узбектелеком» концерни раиси Т.М.Бикметов республикада телекоммуникация тармоқларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш концепцияси тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи аста-секинлик билан телефон тармоқлари фаолиятини ислоҳ қилиш, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа турларига ўтказиб, босқичма-босқич хорижий инвестицияларни мамлакатимизга кўпроқ жалб этиш концепциянинг асосий мақсади эканлигини таъкидлаб ўтди.

Маълумки, электр алоқа корхоналари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда иш олиб боришади. Шу боис биринчи босқичда маҳаллий алоқа тармоқларини хусусийлаштириш лозим. Қатор вилоятларда хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар тузилмоқда.

Германия, Корея, Индонезия, Малайзия, Италия ва бошқа давлатларнинг фирмалари билан ҳамкорлик қилишмоқда. Бунда қайд қилинган ишлар босқичма-босқич, ҳудудлараро амалга оширилади. Қўшма корхоналар тузиш тугаллангандан сўнг «Узбектелеком» негизида республика алоқа корхоналари тармоқларини бошқариш учун холдинг компанияси тузилади. Хорижий давлатлар билан ташкил этилган қўшма корхоналар даромадининг 51 фоизи республикамизда қолади. Ушбу концепция Ҳайъатда маъқулланди. У қайта ишланиб, тасдиқлашга бериладиган бўлди.

Вазирликнинг олий ўқув юртлари ва мутахассислар тайёрлаш бўлими раҳбари Р.А.Асқаров мутахассисларни хорижий давлатларга хизмат сафарига юбориш масаласи хусусида ахборот берди. Ҳайъат аъзолари бу хизмат сафарлари самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлашди.

**А.КУДИНОВ**



«Уздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонасида уяли телефон алоқаси техникалари негизида қайта таъмирлаш ишлари жадал олиб борилаётир.

СУРАТДА: Мижозлар билан ишлаш бўлимининг оператори Гузал ОРИПОВА.

**Суратчи Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ**

## НАМАНГАНДА ЗАМОНАВИЙ АТС

Наманганда машҳур «Алкатель СЕЛ РФТ» немис фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилаётган рақамли электрон АТС қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Наманган Давлат электр алоқа корхонаси бошлиғи Ҳ.Нурматов у ерда амалга оширилаётган ишлар хусусида мухбиримизга қисқача сўзлаб берди.

— 1994 йили «Алкатель» фирмаси билан алоқа жиҳозларини республикамизга келтириш борасида ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолагандик. Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги шартномага мувофиқ немислар ўз банкларида кредит йўналишлари очишлари бу ҳамкорликнинг вужудга келишига туртки берди. Биз немис ҳамкасбларимизга Наманган шаҳрида 11 минг рақамли АТС ва автоматик халқаро сўзлашув телефон станцияси қуриш лойиҳасини таклиф қилган эдик. Ҳамкорлар таклифимизни қабул қилишди. Сўнгра бир гуруҳ мутахассислар Германиянинг «Алкатель» заводи фирмасига бориб, тайёргарликдан ўтишди. Буюртмамизга кўра алоқа жиҳозлари вилоятимизга келтирилиб, немис мутахассислари иштирокида ўрнатилди. Олдиндан барча зарур чораларни кўриб қўйганимизга қарамай, АТСдаги уч мингта хонадон телефонларини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлдик. Корхоналар ва ташкилотлар телефони эса ишлаб турди.

Автоматик ва шаҳарлараро телефон станцияларини пайвандлаш ишлари режали тарзда аниқ амалга оширилди. Тўғри, янги жиҳозларни ўрнатишда дастлаб бироз қийинчиликлар бўлди.

Ҳозир иккала станция ҳам фойдаланиш учун тайёр қилиб қўйилди. Айни пайтда ушбу станцияда маҳаллий тармоқлар билан мослаштириш, фойдаланиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилаётир.

Янги АТСлар ишга тушгандан сўнг биринчи навбатда телефонлари вақтинча ўчирилган уч минг мижознинг телефони ушбу станцияга уланади. Умуман бу станциянинг фойдаланишга топширилиши 11 минг мижозга қувонч келтиради. Бундан ташқари станция қўшимча уч минг хонадонга телефон ўрнатиш имкониятини яратади. Наманганда янги алоқа техникаси жорий қилиниши билан бирга қўшимча ишлаб чиқариш ҳам ошади.

Вилоятнинг туман ва қишлоқ жойларидаги телефон тармоқлари ҳам янгиланишга муҳтож. Келгусида Алоқа вазирлиги ва вилоят раҳбарлари ёрдамида бу борадаги муаммолар ҳал қилинишига ишонамиз.

**Суҳбатни А. ДАРВЕШОВ ёзиб олди**

## ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Тошкент Марказий Осиё телекоммуникация Ўқув Марказида алоқа тармоқларини бошқариш муаммоларига бағишланган халқаро ўқув семинари ўтказилди. Женевадаги Халқаро Электр алоқа ҳамжамияти томонидан ташкил этилган ушбу семинарга Марказий Осиё давлатларидан жами 28 нафар тингловчи жалб этилди. Тингловчиларга маъруза ўқиш учун хорижлик икки нафар профессор-ўқитувчи таклиф қилинди. Улар қисқа вақт давомида дунё телекоммуникация соҳасидаги янгиликлар билан семинар тингловчиларини таништиришади. Бундай халқаро ўқув семинарини республикамизда тез-тез ўтказилиши телекоммуникация равнақига хизмат қилади.

**И. АҲМЕДОВ**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**● Воқеалар ● Янгиликлар ● Хабарлар**

● Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида металл парчалари ҳамда қора ва рангли металлар чиқитларини тайёрлаш, қайта ишлашга топшириш масалаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков бошқарди.

**● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида Ўзбекистон Республикаси билан Нидерландия қироллиги ўртасида ҳаво алоқаларини йўлга қўйиш ва ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.**

● Катар давлатининг шайхи Холид бин Абдулла ал-Атийя Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзовга 1995 йили ишлаб чиқарилган янги автомобиль совға қилди.

**● Душанбе ва Эрон Ислом Республикаси пойтахти — Теҳрон биродарлашган шаҳарлар бўлди. Шунга мувофиқ, Теҳронда Душанбе шаҳар ҳокимлиги ваколатхонаси очилди.**

● Россия ҳукумати мамлакат пойтахтида қўпорувчилар гуруҳи томонидан гаровга олинган жанубий кореялик сайёҳларни озод қилишга муваффақ бўлди.

**● Стокгольмда 1995 йил учун физика бўйича Нобель мукофоти совриндорлари эълон қилинди. Физика соҳасидаги кашфиётлари учун америкалик олимлар Мартин Перл ва Фредерик Рейнс ушбу мукофотга муносиб топилди.**

● Обуна — 96

**ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

**«ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!**

*Обуна баҳоси:*
*Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистонда:*
*Якка тартибдаги обуначилар учун:*
*6 ойга 112 сўм 80 тийин. 12 ойга 225 сўм 60 тийин.*
*Ташкилотлар учун:*
*6 ойга 151 сўм 80 тийин. 12 ойга 303 сўм 60 тийин.*
*Тошкент шаҳрида:*
*Якка тартибдаги обуначилар учун:*
*6 ойга 84 сўм. 12 ойга 168 сўм.*
*Якка тартибдаги обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:*
*6 ойга 66 сўм. 12 ойга 132 сўм.*
*Ташкилотлар учун:*
*6 ойга 160 сўм. 12 ойга 304 сўм.*
*Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:*
*6 ойга 126 сўм. 12 ойга 252 сўм.*
*Нашр кўрсаткичи: 64600.*

# ЮСУФ ЖАББОРОВ: МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ БАЖАРИШ БУРЧИМИЗДИР

**Мухбирларимиз Самарқанд вилояти Давлат электр алоқа корхонаси бош муҳандиси Юсуф Жабборов билан шу кунларда олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.**

— Ўзбекистонда телекоммуникацияни ривожлантириш борасида қабул қилинган Миллий дастур бўйича қандай ишлар кўзда тутилган?

— Самарқандда ҳозир 124 минг телефон бўлса, Миллий дастур бўйича 2000 йилга бориб бу рақам 341 мингга етиши керак. 1996 йили 15 минг рақамли янги телефон станциялари Самарқандда ва Ургут, Булунғур туманларида монтаж қилиниши керак, 22 минг рақамли телефон станцияси қайта қурилиши лозим.

Биз ҳам ўз дастуримизни тайёрлаганмиз, ходимларимиз иш олиб боришмоқда.

Ўтган йили «Сименс» фирмаси билан жиддий иш олиб бордик, улар билан шартнома тузилган. Шунга асосан 20 минг рақамли телефон станцияси қурилиши керак. Ҳозирги кунда Республикамизнинг учта вилоятида АМТС тизими йўқ, булар — Самарқанд, Наманган ва Навоий вилоятларидир.

Маълумки, АМТС бўлмаса, туманлар ва вилоятлараро телефон алоқаси қийинлашади. Бугунги кунда бу ишлар оператор орқали амалга оширилмоқда.

Хуллас, шаҳарлараро автоматик алоқа муаммоси бизда ҳал қилингани йўқ. Шунинг учун ҳам бу масалани ҳал қилиш биринчи галдаги вазифалардандир. Шартноманинг иккинчи босқичида Самарқанд шаҳрида 70 минг рақамли телефон станциясини қуриш кўзда тутилган. Шу тариқа йиллар ўтган сайин аниқ режалар асосида телекоммуникацияни ривожлантириб бораверамиз.

Хуллас, 2000 йилга бориб вилоят марказида шаҳарлараро телефон станцияси бўлади, ҳар бир туманда янги авлоддаги АТСлар қад ростлайди.

Миллий дастурнинг иккинчи босқичида 2000-2005 йилларда қишлоқлардаги телефон алоқаси ривожлантирилади. Эскиларини сақлаб қолган ҳолда янги АТСлар қурилади.

2006-2010 йилгача ҳамма станциялар янгисига алмаштирилиши керак.

Ҳозир Самарқандда ҳар юз кишига 5,2 та телефон тўғри келса, 2010 йилга бориб 10 тадан тўғри келиши лозим. Бу ҳам аслида оз. Халқаро мезонларга кўра ҳар юз кишидан 25 тасида телефони бўлган мамлакат ривожланган давлат ҳисобланади. Миллий дастурнинг асосий мақсади ҳам ана шу натижаларга эришишдир. Бу муаммоларни тўлиқ ҳал этиш учун катта маблағ керак. Саъй-ҳаракатларимиз шу масалани ҳал қилишга қаратилган.

— Ҳозирги кунда ишлар қандай кетяпти? Муаммолар нималардан иборат?

— Ҳозир телеграф тармоғини қайта қурдик. Эски асбоб-ускуна янги авлод асбоб-ускуналарига алмаштирилди. Бу яхши иш бўлди. Телефон станцияларимиздаги асбоб-ускуналар эса анча эскирган. Улар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Телефон станциямиз Самарқандда 1967 йили қурилганди. Ўшанда 8 минг рақамли станция бўлган, бугунги кунда шаҳарнинг ўзида 70 минг рақамли телефон станциялари бор, шулардан 65 минг телефон ишлаб турибди. Лекин ўша — 8 минг рақамга мўлжалланган эски станциямиз шу бугунгача сақланиб қолган. Бу станция билан шаҳарлараро автоматик сўзлашув бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам АМТС қуриш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Ўсиб бораётган талабларни қондириш учун телефон станцияларининг сонини кўпайтириш керак. Беш йил ичида бир нечта станция қурилиб, 40 минг рақамли телефон ишга туширилган. Эндиликда булар ҳам талабни қондирмаяпти. Чунки шаҳар катта, яна янги станциялар қуриш керак.

— Хорижий фирмалар билан қандай ҳамкорлик қилинмоқда?

— «Сименс» фирмаси билан икки босқичли шартнома тузилган. Биринчиси 20 минг, 2-босқичи 70 минг долларга, муддати кўрсатилган. Шартнома тузилгач, маблағнинг 15 фоизи тўланиши керак. Шундан кейин улар 6 ой ичида асбоб-ускуналарни келтириб, монтажни бошлашлари лозим. Биз биринчи босқич бўйича тузилган шартнома учун 15 фоиз маблағни тўладик.

— Вилоятда электр алоқа хизматининг шу бугунги кундаги аҳволидан кўнглингиз тўладими? Уни қониқарли деб айта оласизми?

— Бу саволни агар мижозларга берсангиз, улар албатта йўқ деб жавоб беришади. Мен ҳам шу фикрга қўшиламан. Нега деганда, ишимизда ҳали камчиликлар кўп. Аксарият муаммолар маблағ масаласига келиб тақалади. Йил бошидан белгиланган режа-тадбирлар бажарилмай қолмоқда. Масалан, шу йили 117 та иншоотни таъмирлашимиз керак эди, бу ишнинг ярмигина бажарилди, холос.

— Малакали, яхши мутахассислар етарлими? Умуман, мутахассислар тайёрлаш масаласи қандай йўлга қўйилган?

— Бу масала бизда дуруст йўлга қўйилган. Раҳбарлар «Ўзбектелеком» томонидан ташкил этилган аттестациядан ўтди. Учта раҳбарнинг савияси қониқарсиз деб ҳисобланди, яна учтаси шартли равишда ишда қолдирилди. Қолганлари синовдан яхши ўтишди. Концернимиз томонидан мутахассисларимизнинг малакасини ошириша шарт-шароитлар яратилган. Ўзимизда ҳам малака ошириш курслари ташкил этилган. Ҳар бир ташкилотимизда техник ўқув йўлга қўйилган.

Институтни битириб келган ёшлар тажрибаси йўқлиги туфайли бирдан ишни яхши эплаб кетолмайди. Бу борада шундай йўл тутяпмиз: институтни битириб келган ёшларни тўғридан-тўғри туманларга юбормаймиз. Ўзимизда лаборатория — тажрибахоналар бор, уларни шу ерга ишга оламиз. Етакчи мутахассислар билан камида икки йил ишлаганларидан кейин, имтиҳон топширгач, ишга юборамиз.

— Давлат тили соҳада қандай жорий этилмоқда?

— Бу борада катта иш олиб борилмоқда. Махсус комисия тузилган. Абдували Раҳматов — бошлиғимизнинг муовинлари шу комиссиянинг раиси. Идорамиздан тармоқларга етказилаётган ҳужжатлар давлат тилида тайёрланмоқда.

— Қишки мавсумга тайёргарлик ишлари қандай бормоқда?

— Бу масала ўзимизнинг кенгашда атрофлича кўриб чиқилган, чора-тадбирлар белгиланган.

Май ойидан бошлаб бу борада ишлар олиб борилмоқда. Асосий иш телефон қувурларидаги кабелларни меъёрий ҳолга келтиришдир. Кўплаб телефон кабелларимиз бор. Уларни юқори ҳаво босимига қўямиз. Иккинчи муҳим вазифа — биноларни қишки мавсумга тайёрлашдир. Ҳар бир бино учун 200 минг сўмгача маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бу масалалар ечиляпти.

**Ш. ОТАБЕК, Ф.МАМАРАСУЛОВ**
**суҳбатлашди**

# КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги биносида «Ахборотлаштириш ва компьютер локал тизимларини жорий қилиш давр талаби» мавзуида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги барча вилоят ҳокимликларининг котибият бошлиқлари, иш бошқарувчилари, айрим алоқа корхоналаридан вакиллар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Исмоил Козимов очиб, Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисидаги» қонуни ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш концепцияси ҳақидаги» қарорларининг бажарилиши ҳақида маъруза қилди. Давлат бошқаруви тизимидаги барча корхона ва ташкилотларда ахборотларни компьютер орқали узатиш, қабул қилиш ҳамда созлашни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ташкил этиш учун вилоятнинг 14 та туман ва 2 та шаҳар ҳокимлигида тармоқланган телекоммуникация қурилмалари ўрнатилган. Улар шаҳар ва вилоят электр алоқа каналлари ёрдамида ишлаб турибди. Энг қувонарлиси шундаки, Қашқадарёда республикамиз вилоятлари орасида биринчилардан бўлиб компьютерлардан фойдалана бошланди. Шу сабабли семинар-кенгаш айнан шу вилоятда ўтказилди.

Вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш давлат корхонаси бошлиғи Умид Воҳидов ва Қарши шаҳар бирлашган шаҳар ва шаҳарлараро телефон тармоғи бошлиғи Хуррам Темиров анжуман қатнашчиларини вилоятда янги ўрнатилган локал компьютер алоқа алмашинув жараёнлари фаолияти билан таништирдилар.

**А. ХАЛИЛОВ,**
**Қарши шаҳар бирлашган шаҳар ва шаҳарлараро телефон тармоғи бош муҳандиси**

# ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» давлат нашриёт маркази «Самолётлар» мавзуидаги почта маркалари ва тўпламини нашрдан чиқарди. Ўзбекистон самолётсозлик тарихига бағишланган бу янги нашр 7 та марка ва 1 та почта тўпламидан иборатдир.

Маркаларда В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқарилган самолёт турлари тасвирланган. Почта тўпламида эса ўзбек ва инглиз тилларида бирлашманинг рамзи ҳамда номи акс эттган. Маркалар кўп нусхада чоп этилган.
















# КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Республика «Матбуот тарқатиш уюшмаси» Ассоциацияси ва унинг таркибига кирувчи вилоят «Матбуот уюшмаси» ҳиссадорлик жамиятлари Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Россия Республикалари даврий нашрларига 1996 йилнинг ярим йили учун обунага қабул эълон қилади.

Шу йилнинг 10 октябридан бошланган обуна 25 ноябригача давом этади.

«Матбуот уюшмаси» ҳиссадорлик жамиятлари обуначиларга даврий нашрларни ўз вақтида, 100 фоиз кафолат билан етказиб беришни таъминлайди.

Корхона ва ташкилот маъмуриятлари пул ўтказиш йўли билан ўз ходимларини мазкур корхона ва ташкилот манзилгоҳига обуна қилишлари мумкин. Обуначилари кўп бўлган корхона ва ташкилотларнинг жамоатчи тарқатувчиларига ҳиссадорлик жамиятлари нашрларни бепул етказиб беради.

Шунингдек, кўп нусхада тарқатилаётган матбуот нашрлари учун жамоатчи тарқатувчининг меҳнатига яраша ҳиссадорлик жамиятлари ҳақ тўлайди.

Ҳиссадорлик жамиятлари айби билан етказиб берилмаган нашр учун обуначига берилмаган нашр нархи миқдоридаги пулни мазкур жамиятлар тўлайди. Бу ҳиссадорлик жамиятларини олинмаган нашрни обуначига етказиб беришдан озод қила олмайди.

Агар нашрлардан биронтасини босиб чиқариш тўхтатилса, обуначилар олдида мазкур даврий нашр эгалари жавобгар бўлишади. Шу билан бирга тўхтатилган нашрнинг чиқмаган сонлари учун обуначига обуна пули қайтариб берилади.

Вилоят «Матбуот уюшмаси» ҳиссадорлик жамиятларидан даврий нашрларнинг каталоги ва обуна шартлари ҳамда керакли маълумотларни олиш мумкин.

«Матбуот тарқатиш уюшмаси» Ассоциациясига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 33-75-49, 33-73-78.

Матбуот нашрларини тарқатиш истагида бўлганларни ҳамкорликда ишлашга таклиф қиламиз.

**«Матбуот тарқатиш уюшмаси» Ассоциацияси**

*ТАБРИКЛАЙМИЗ!*

*Сурхондарё давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи Ўктам Пардаевич ЭСОННИЁЗОВни туғилган куни билан чин дилдан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, алоқа соҳасидаги заҳматли ишларида муваффақият тилаймиз.*

*Корхона жамоаси.*

*Жаброн ХАЛИЛ ЖАБРОН*

# ПАЙҒАМБАР ҲИКМАТЛАРИ

### ВАҚТ НИМА?

Фалакиётчи олим сўради:

— Вақт нимадур, аё устоз?

Пайғамбар жавоб берди:

— Сиз ниҳоясиз ва ўлчаб бўлмас вақтни ўлчашга уринасиз.

Сиз соатларга ва йил фаслларига қараб яшашни ҳамда ҳатто кўнглингизни ҳам вақтга бўйсундиришни хоҳлайсиз.

Сиз вақтдан жилға, сой ясаб, қирғоғида ўтириб уни кузатишни хоҳлайсиз.

***

Кечаги кун — бугуннинг хотираси, эртанги кун эса — бугуннинг орзусидир.

Дилингиз куйлаётган ва фикрлаётган экан, демак, сиз илк бор юлдузлар осмонга сочилган илк лаҳзаларда яшаётган буласиз.

Орангизда меҳр-муҳаббат ўлчовсизлигини тушунмайдиганлар борми?

Меҳр-муҳаббат ўлчовсиз бўлса ҳам у вужудингизнинг ҳамма тарафида эмас, балки меҳварида, қалбингизда яшайди.

Вақт ҳам севги каби, бўлинмайди ва ўлчанмайди.

Аммо сизлар хаёлан вақтни йил фаслларига қараб ўлчар экансиз, бу фасллар бирбирининг бағрида эканлигини унутманг.

Бугун кечаги кунни хотираси бағрига олсин, келажакни эҳтирос билан бағрига боссин!

### ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

Шаҳар оқсоқолларидан бири сўради:

— Ё расулуллоҳ, яхшилик нимаю, ёмонлик нима?

Пайғамбар жавоб берди:

— Аввало, сизлардаги яхшилик — оққўнгиллик ҳақида айтай. Чунки, яхшилик оч-яланғочликда ва ташналикда қолса ёмонликка айланади.

Чиндан ҳам, оч-юпун қолган яхшилик қоронғу зулматларда ҳам озиқ топишга уринади: ташналикда қолганида эса кўлмакдаги сассиқ сувни ҳам ичади.

Сизлар ёлғизликда (ёмонларга қўшилмаганда) — яхшисизлар.

Дўстлар орасида ҳам яхшисизлар.

Чунки, ташландиқ уй ҳар доим ҳам ўғрилар макони эмас, балки фақат ташландиқ уйлигича қолади.

Дарғасиз кема ҳам чўкмасдан, хавфли қоятошлар оралиғида мақсадсиз сузиб юравериши мумкин.

Сиз ўзингизники бўлган бирор нарсани ўзгаларга беришга интилсангиз — яхшисиз.

Гоҳо фойда топиш учун берсангиз ҳам яхшисиз.

Сиз шохлардан мева умид қилаётган дарахт илдизисиз, илдиз ернинг шарбатини эмади ва бутоқларга, новдаларга узатади.

Мева ҳеч қачон илдизга қараб: «Мен етилиб шарбатга тўлганимда ҳамиша ўзимни бошқаларга ҳадя қиламан, сен ҳам мендай саховатли бўл» дея олмайди.

Ердан шарбат эмиш — илдизнинг эҳтиёжидир. Шу каби, етилганида ўзини ҳадя этиш — меванинг эҳтиёжидир.

Сиз уйқудан уйғониб, сўзлай бошлаганингизда яхшисиз.

Уйқуда гапириб ётганингизда ҳам ёмон эмассиз.

Дудуқланиб гапириш ҳам тилни чиниқтиради.

Мақсадингиз (яхшилик бўлса) у томон дадил, шаҳдам бораётганингизда яхшисиз.

Аммо, мақсадингиз сари оқсоқланиб, қийналиб борсангиз ҳам яхшисиз.

Чунки, қийналиб бораётган одамлар мақсадга қатъий интиладилар. Аммо, сиз эй дадил шаҳдам қадамлилар, ўзингизни оқсоқларга тенг қилиб, имилламанг, бу яхши эмас.

Аммо, яхшилик қилмаётганингизда ҳам, барибир яхшисиз (чунки ёмонлик қилмаяпсиз).

Фақат яхшилик қилишга дангасалик, ялқовлик қиляпсиз.

Афсуски, кийиклар тошбақаларни чаққонликка ўргатолмайдилар.

Ҳар бирингиз табиатан паҳлавонсиз, чунки кучлилар, паҳлавонларгина яхшилик қила олади.

Аммо, баъзиларнинг яхшилик қилиш истаги — тоғлар бағрининг сир-асрорини ва ўрмон қўшиқларини куйлаб, ҳайқириб келаётган тошқин дарёча.

Баъзиларнинг яхшилик истаги эса кичик жилға бўлиб, қайрилишларда суви озайиб, денгиз соҳилига етмасдан қумларга сингиб йўқолади.

Аммо, тошқин дарёмонанд қалб эгалари жилғасимон қалб эгаларига: «Нега имиллаб, секин оқяпсан?» — дея таъна қилмасин (чунки уларнинг табиати ўзи шунақа).

Чунки яхши одам юпун одамга қараб: «Кийимларинг қани?», уйсиз одамдан эса «Уйинг қани?» деб сўрамайди.

**Маҳкам МАҲМУД таржимаси**

# МУҲАББАТ

## (новелла)

Ҳаёт йўлида Ер куррасининг мисоли икки қутби сингари Муҳаббат билан Рашк учрашиб қолишибди.

Рашк одамлардан гина қилиб, қалбига тугиб юрган дардини тўкиб, кўнглини бўшатиш учун Муҳаббат олдида ҳасрат эшигини очибди:

— Эй, булоқ сувидек покиза, баҳор тонгидаги қизил гулдай гўзал Муҳаббат! Сен ўз чиройинг билан одамларни талтайтириб юбормасанг бўларди. Гўдак кулгусидек самимий табассумингни кўрган одамлар ўзларини қуйгани жой тополмай қолишади. Гўзаллар маликаси эй, Муҳаббат, сен қалбига аланга ташлаган қиз билан йигитнинг ҳолини бир кўрсанг эди! Уларнинг ойдин кечалар юлдуз санаб, сув бўйидаги мажнунтоллар тагида давом этаётган ширин суҳбатлари ва биринчи бўсаларини кўрганимда, эҳ, шундай рашким келадики... Тағин сен табиатдаги ҳамма яхши нарсаларни, оламнинг кўркини одамларга сахийлик билан улашасан. Одамлар ирода, умид ва муҳаббатни сенинг ҳаётбахш булоғингдан олишига ҳам ҳасад қиламан. Бу ҳам етмагандай инсон қадами етган ҳар бир гўшада, унинг ёшлик кўчасида, авваламбор инсон қалбида энг муқаддас номдай сен эъзозланасан. Юракларимни янада эзган ҳолда бахиллигимни алангалатиб, инсонлар биргина сени гулларга буркайдилар, янада чиройингга чирой қўшишади. Шундай дақиқаларда кунгил учун менга лоақал бир дона гул узатишган тақдирда ҳам кўксим тоғдай кўтарилиб, бошим кўкка етарди.

Биламан, сен менинг борлигимни, сен каби яшаш иштиёқида ёнишимни тан олмайсан. Сен билан ёнма-ён турганимда ҳам мени сезмайсан. Гўёки сен учун мен йўқман, яшамайман. Шуни билиб қўйки, аслида сен бор — оламда мен ҳам мавжудман. Одамларга ҳаётнинг ҳар дақиқасида, инсон илгарилаб босган ҳар бир қадамида сени кўз-кўз қилиб, кафтимда кўтариб юраман. Ёлгизгина мен туфайли одамлар сени шунчалик қадрингга етишади. Бу дунёда ҳар нарсанинг ўз мувозанати бор. Қишнинг ёзи, совуқнинг иссиғи, деганларидек... Мен эса сенинг кўланканг бўлиб яшайман.

Муҳаббат ҳақиқат меваси бўлгани, адолатни яхши кўргани учун ҳам Рашкнинг бу сўзларидан ўзини йўқотмай, дилидаги бор гапни тилига кўчирибди.

— Одам яралганидан бери, соя нур берганини, нур бўлиб одамлар йўлини ёритганини эслай олмайман. Эй, кўкрагидаги муштдек юрагига шайтон уя қуриб олган, қалби бир умр қора Рашк, бировлардан нолигандан кўра, ўзингга боқсанг яхши бўларди... Рашк одимлаган оилалар ўз оромини йўқотади. Сен одамларнинг оромини беҳаёларча ўғирлаш билан кифояланиб қолмай, улар хонадонидаги тотув ва ширин кунлар қувончига, авлодларнинг бирлигига қуёш юзини яширишга уринган осмондаги булутдай соя ташлаш ниятида бўласан. Агар сен бўлмаганингда, одамлар бир умрга осойишта ва бахтли яшашарди. Агар сен бўлмаганингда... янада ёшарармиди бу олам.

Шу сўзларни айтиб, Муҳаббат ўз йўлидан қолмабди. У асрлар оша муҳаббат йўлидаги инсон авлодларига йўлчи юлдуздай нур сочаркан. Бахт ва ҳаёт улашиб юраркан.

Рашк эса йиллар ўтган сари роса бош қотириб ўйласа ҳам, Муҳаббатнинг гўзал ҳаёти мазмунига ҳеч ақли етмасмиш. Муҳаббатнинг равон йўлига тушиб олгани юраги бетламай, ўзининг боши берк — ғафлат кўчасида кунини кўриб келаркан.

**Эркин ҚОДИРОВ**



**Куз... дарахтлар йўқотиб қўйди соясин...**

## ХАНДАЛАР

*Жанжалдан кейин эр хотинга деди:*

*— Агар гапинг рост бўлиб, чиндан ҳам мени яхши кўрганингда эди, менга эмас, бошқа одамга турмушга чиққан бўлардинг.*

х х х

*Эр-хотин пляжда ётишарди. Эрининг ўтган-кетган қизларга суқ билан тикилишини кўрган хотин дакки берди:*

*— Яхши эмас, уйланган одамсан-а!*

*— Хўш, нима бўпти. Агар мен парҳезда бўлсам, ресторандаги менюни ўқишга ҳам ҳаққим йўқми?*

х х х

*— Эҳ, — деди эр хотини томонидан отилган чўян чойдишга чап бериб, — бир-биримизга чинни ликопчалар отган ажойиб даврлар ҳам ўтиб кетди-я.*

х х х

*— Туғилган куннимга нима совға қилмоқчисиз, дадаси?*

*— Келаси йили иккита исирға совға қиламан.*

*— Бу йил-чи?*

*— Исирға учун иккита тешик.*

х х х

*— Азизим, истасанг осмондаги ойни олиб беришим мумкин, — деди эр.*

*— Ой-пойинг билан ишим йўқ! — деди хотин хезланиб. — Бугун уйда ўтирасан.*

х х х

*Жанжал авжида хотин эрига деди:*

*— Сенга турмушга чиққандан кўра алвастининг ўзига текканим ҳам афзалроқ эди.*

*— Бунинг иложи йўқ эди, — деди эр хотиржам оҳангда, — яқин қариндошларни ўзаро никоҳдан ўтказишмайди.*

х х х

*— Хотин! — деди эр ҳовлиқиб, — лотереямизга катта ютуқ чиқди. Энди биз ҳам боймиз.*

*— Лотереяга пулни қаердан олувдинг? — деб сўради хотин шубҳа билан хўмрайиб.*

х х х

*— Сотиб олган куйлагинг менга тўғри келмайди-ку, — деди эр хотинига. — Буни қара, жуссамдан нақ икки баробар катта.*

*— Биламан, қанақа бесўнақайга турмушга чиққанимни сотувчи ҳам бир кўриб қўйсин дедим-да.*

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0478. 9894 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

